



Боқий мерос

Муносабат

Сурхонда янграган айтчимлар

дунё миқёсида акс садо бераётир

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртимиз тарихида илк мартаба ўтказилаётган ва Термиз шаҳри мезбонлик қилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали, ҳеч шубҳасиз, “дунё фольклоршунослиги харитаси”да Ўзбекистон номининг йирик ҳарфларда ёзилишига сабаб бўлди.

Бахшичилик – эпик жонли ижро санъатнинг бошқа йўналишларидан шуниси билан фарқланадики, унда фонограмма йўқ, Ясамалик йўқ, Воқелик қай ҳолда бўлса, шу йўсинда акс этади. Шунданми, бахши-шоирлар ўз халқининг бийрон тилига менгезалади. Шунданми, халқ оғзаки ижодининг бу ноёб тури дунёнинг қайси давлатида, қайси тилда, қай оҳангда, қай созда ижро этилмасин, бирдек эъзозланади. Фольклор – қалбнинг соф жаранги, инсоният тарихининг энг узоқ манзилларидан сўзлайди. Ватан сўзини уқтирмасдан ватанпарварликни дилга дарж этади, эзулиқни, тинчликни, меҳр-муҳаббат, дўстга садоқат туйғуларини куй сөҳри билан томирларга жойлайди.

Бу санъат турининг бошқа бир аҳамияти нимада?

Атоқли фольклоршунос олим, академик Тўра Мирзаевнинг ишонч билан таъкидлашича, дунёдаги бизгача етиб келган эпослар – “Элиада”, “Одиссея”, “Рамаёна”, “Маҳобҳорат” каби дostonларнинг ёзувдаги шакллари пайдо бўлиши билан оғзаки ижроси минг йиллар аввал сўнган эди. Лекин “Манас”, “Ботирлар жири”, “Гўрўгли” каби дostonлар

ро бахшичилик санъати фестивали, ҳеч шубҳасиз, “дунё фольклоршунослиги харитаси”да Ўзбекистон номининг йирик ҳарфлар билан ёзилишига сабаб бўлди. *Етмишдан ортиқ мамлакатдан келган халқ оғзаки ижоди ижтисомдлари эпоснинг турфа талқинларини бир ҳудудда, бир майдонда туриб ҳис этиш бахтига мушарраф бўлишди.*

Яна бир эътиборли жиҳати, фестиваль баҳона ташкилий тайёргарлик жамоатчилик синовидан ўтди, илк бора ўтказилаётгани боис мутасадди ташкилот вакиллари, шулар сирасида, хорижий ҳамда маҳаллий ОАВ ходимлари тажриба орттиришди. Бу жараёнларнинг бевосита қатнашчиси, кузатувчиси, ахборот узатувчиси, ҳолис баҳоловчиси бўлишди. Инчунин, газетамиз махсус муҳбирлари ҳам ана шу иштирокчилар қаторида эди.

Довонларда йўл равон ва обод макон

“Термида халқаро фестиваль бошланяпти”, деган хабар янграгани ҳамона ошuftа диллар “жа-




аждрҳонинг оғзидек қорайган чуқур ўраларга қарсқурс тушиб чиқавериш, алп бўлгинг кеп кетади: дудулингни азот кўтариб олиб ўтгинг келади...

Яшириб нима қилдик, то Сурхондарё вилояти чегараси бошлангунга қадар шу ҳадиқ бизни тинч қўймади. Хайрият, ўйимиз ёлгон чиқди. Термизга қадар бирор юз чақирим йўл янгитдан асфальт қилинбди. Яйраб-яйраб манзилга етганимизни сезмай қолдик. Шу ўринда бу ажойиб магистрални янгитдан барпо этган азамат йўлсозларга алоҳида ташаккур айтамыз!

Тонг ёришай деганда манзилга етдик. Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 1 ноябрдаги “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинган, бу байрамона тадбирни кўтаринки руҳда ташкил этиш мақсадида Термиз шаҳрида улкан бунёдкорлик ҳаракатлари бошлаб юборилгани хабар қилинган эди. Ўзимизу кўзимиз гувоҳ – катта ҳажмдаги қурилиш, реконструкция, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилибди, кўча ва хибоблар, кўп қаватли тураржой бинолари жорий таъмирдан чиққан. Шаҳар бўйлаб фестивалга оид панно, баннер ва рекламалар, суратлар, электр нури билан узатиладиган ёзувлар, улкан мониторлар ўрнатилган.

Эскартиш: *Ўтган йил декабрь ойида хизмат сафари билан Термиз шаҳрида бўлар эканмиз, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Азиз Абдуҳакимов фестивалга тайёргарлик борасида йўналиш ўтказаятганидан хабар топдик. Давра суҳбатида анжуманга оид барча мутасадди раҳбарлар, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, профессионал маҳорат ва тажрибага эга сценарист ва режиссёрлар, сахна рассомларини учратдик. Ишчан руҳда ўтган йўналишда асосий ишлар тақсимот қилинди, шароит ва камчиликлар айтилди. Бизнинг эътиборимизни тортган жиҳат, модератор Азиз Абдуҳакимовнинг шундай мазмундаги ушбу нуқтаи назари эди: “Фестиваль бу бизнинг юзимиз. Беш кунда ўтиб кетиши мумкин, аммо шу баҳона ҳудудда қилинган кенг кўламли ўзгаришлар қолади, йиллар давомида воҳа халқи баҳраманд бўлади. Туризм салоҳияти ошади. Янги иш ўринлари кўпаяди. Шаҳрисабзда ўтган Халқаро маком фестивалида ташкилотчилик борасида айрим камчиликлар кўзга ташланганди. Бундан тўғри хулоса чиқариш шарт!”*

Давоми 4-саҳифада. ➔



Тошкент вилояти Бўка туманида ҳашар, маданий-маърифий тадбирлар, китоб ярмаркаси ва спорт мусобақалари ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосарлари У.Муҳаммадиев, Қ. Қуронбоев, Президент маслаҳатчиси ўринбосари Ф. Маҳмудов, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шоир-ёзувчилар, ёшлар иштирок этди.

Маълумки, Президентимиз расислигида жорий йил 19 март куни

бўйича Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан тумандаги 49 та умумтаълим мактабидан 11 тасидаги спорт иншоотлари ва майдонларининг ҳолати, спорт анжумлари билан таъминланганлик даражаси хатловдан ўтказилди. Имтиёзли кредитлаш воситида маҳаллаларда янги спорт иншоотларини барпо қилиш истагидаги 3 нафар тадбиркорнинг тақлифла-

Бунёдкорлик Бўстондан бошланяпти

ўтказилган видеоселектор йиғилишида 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш механизмлари, бунда эътибор қаратилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар атрофлича муҳокама қилиниб, бу борада Сирдарё вилояти тажрибасини юртимизнинг барча ҳудудларига кенг жорий этиш вазифаси белгилаб берилган эди.

Эътиборли жиҳати, давлатимиз раҳбари томонидан ўртага ташланган концепция ва тақлиф этилаётган ҳар бир лойиҳани, аввало, **биринчи ташаббус – ёшларнинг мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш** билан боғлиқ йўналишни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Бўка тумани тажриба-синов тариқасида танлаб олинди, айнан Бўстон маҳалласи ҳудудида жойлашган “Бўстон” маданият уйи биноси, 160 ўринли томоша зали таъмирланяпти. Маҳалла истироҳат боғига янги аттракционлар ўрнатилиб, 2000 йилда ўз фаолиятини тўхтатган кутубхона ҳам ишга тушириш учун тайёрланмоқда.

“Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Моҳира Сулаймонованинг изоҳ беришича, бу ерда 3 минг 300 дан зиёд, жумладан, 1000 га яқин ишга яроқли хотин-қиз умргузаронлик қилаётган экан. Қишлоқда яқин кунларда иш бошлаши кўтилаётган икки сменали 200 ўринга мўлжалланган янги тикув цехи аёллар бандлигини таъминлашда катта ўрин тутуши аниқ. Шунингдек, “Мустақил Ўзбекистон” ва “Чавилсой” маҳаллалари ҳудуддаги маданият марказлари ҳам махсус лойиҳачи ташкилотларга бириктирилди. Ҳадемай мазкур марказларни реконструкция қилиш ишлари бошланади.

Ёшларни жисмоний чиниқтириш, спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга мўлжалланган иккинчи ташаббус

ри атрофлича ўрганиб чиқилди. Шақлантирилган 20 та ишчи гуруҳ жойларда спорт инфратузилмасини яхшилашга қаратилган тақлиф ва тавсиялар тайёрлади. Бундан ташқари, ишчи гуруҳлар деярли 2,5 минг ёш ўртасида суров ўтказиб, ҳар бир йиғит-қизнинг муайян спорт турига қизиқишини аниқлабди.

Учинчи ташаббус – аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилипти. Хусусан, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги сайёҳаракати билан 5 та умумтаълим мактабига ҳамда 3 та мактабга таълим муассасасига оптик толали алоқа кабеллари тортилди.

Тўртинчи – ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган ташаббусни амалга оширишда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан “Китоб қаровни” лойиҳаси доирасида 5 минг нусхадан зиёд сара китоблар таълим муассасалари ва маҳаллаларга бепул тарқатилди. Ташкил қилинган китоб савдо ярмаркалари ҳам одамларда катта қизиқиш уйғотди. Айни пайтда пойтахтимиздаги олий ўқув юрталарининг 30 нафар профессор-ўқитувчиларидан иборат тарғибот гуруҳлари қизгин фаолият олиб борапти. “Навобод”, “Катта-Работ”, “Ўртатеп”, “Тошлоқ” маҳаллалари, бир неча мактаб ҳамда Бўка агротадбиркорлик касб-хунар коллежида учрашув ва мулоқотлар ўтказилди. Шунингдек, 39-мактабнинг ташқи қисми таъмирланди. Ҳудуддаги ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди. Ҳаракатли ўйинлар бўйича спорт фестивали ўтказилишига тайёргарлик доирасида спорт майдончасида қурилиш ишлари бажарилади.



асрлар оша яқин қардош халқларимиз талқинида жонли ижрода бизгача етиб келаяпти. Мана шу далилнинг ўзидек, халқ оғзаки ижоди намуналарини асл ҳолида сақлаш ва келажак авлодга етказиш масъулиятининг қанчалик муҳим эканидан дарак беради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртимиз тарихида илк мартаба ўтказилаётган ва Термиз шаҳри мезбонлик қилаётган Халқ-

нуб гавҳари” аталмиш шаҳар томон ошиқди; кимдир темир қанотда, кимдир темир изда. Биз эса темир тулпор – автомашинада кетишни маъқул кўрдик. Сабаби, анча бурун ўтганимиз бузуқ, ўйдим-чуқур йўлларнинг бугунги ҳолатини синаш эди. Тошкент–Сурхондарё йўналишида қатнайдиغانлар билишади, бу йўл кўп йиллар мобайнида ҳайдовчилар учун чинакам бошогриқ бўлиб келган. Кечадек эсимизда: машина жонворга ичинг ачийди,

УШБУ СОНДА:

КИТОБСИЗ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ!



2

ТОМОРҚА: ҚАРАСАНГ БОҒ, ҚАРАМАСАНГ ДОҒ



3

Навқирон авлод ўртасида ушбу хайрли ташаббусни янада кенгроқ тарғиб этиш мақсадида О‘зLiDeP Сийсий Кенгаши Ижроия кўмитаси томонидан “Дурдона” лойиҳаси доирасида Тошкент вилоятининг энг олис ҳудудларидан бири бўлмиш Бекобод туманидаги Ачамайли қишлоғида жойлашган 48-умумтаълим мактабига “О‘зLiDeP, ёшлар, китоб ва маънавият” номли акция ташкил этилди.

– Инсофни ҳамманинг ўзига берсин экан. Экадиган одам шундоқ ҳам ҳаракат қилади. Экамидиганига эса минг уринганингиз билан фойдаси йўқ. Партиямиз фаоллари томонидан тажрибали томорқачилар хонадонида ташкил этилаётган мулоқотлар натижасида кўпчилик ўзи учун тегишли хулоса чиқармоқда, – дейди О‘зLiDeP Сурхондарё вилоят Кенгаши бўлим мудири Матлуба Жўраева.

«» Бошлангиши 1-сахифада.



Бунёдкорлик Бўстондан бошланяпти

Бешинчи ташаббус – хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалалари билан бевосита боғлиқлиги боис «Ўзлахтасаноат» акциядорлик жамияти «Бўстон» маҳалласида 150 уринли енгил конструкцияли тикув цехи барпо қилишга киришди. Ҳозиргача пойдевор қуриш ишлари якунланди. Объектда 87 нафар ишчи меҳнат қиляпти. Шунингдек, яна бир тикув цехи қуриш учун туманнинг «Чавлисой» маҳалласидан жой танланди.

Мамнуният билан қайд этиш кераки, Президентимизнинг ана шу ташаббусларини юртдошларимиз астойдил қўллаб-қувват-

ляптилар. Бундай хайрихоҳлик туманда амалга оширилиши бошланган хайрли ишларга ҳисса қўшиш истагида намоён бўляпти.

Тошкент вилоятидаги турли ташкилотлар, муассасалардан кўнгилли бўлиб келган юзлаб одамлар бунёдкорлик ишлари бажарилишига сидқидилдан кўмаклашяптилар.

– Ҳозир меҳнат таътилидаман. Фурсатдан фойдаланиб, Бўқада юз бераётган янгиланишларни кўриш, бунёдкорларга ёрдам бериш учун бир неча ҳамкасбим билан бу ерга келдим.

– дейди Олмалиқ шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ишчиси Комил Мадиев. – Ҳозир йўлсозларга кўмаклашяпмиз. Бу хайрли ишлар ҳаётимизни янада яхшилашга, фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

Суратларни
Шухрат РАҲИМОВ олган.



Акция

Китобсиз яшаб бўлмайди!

Сўнги йилларда аксарият ёшлар китоб ўқишга қизиқмай қўйишгани рост гап. Улар кўпроқ интернетдан маълумотлар излашга, янгилликларни ҳам онлайн тарзда топиб ўқишга, телефон орқали турли ўйинлар, суратлар, видеолар кўришга мойиллиги кенг жамоатчиликни хавотирга солаётган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан китобхонлик маданиятини ошириш, айниқса, ёшларимизни муролага жалб этиш борасидаги саяёҳаракатларни Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаоллари ҳам тўла қўллаб-қувватлашмоқда. Боиси, китоб битмас-туганмас хазина, билим манбаи. Агар фарзандларимизнинг билим олишга иштиёқи, китобга меҳр-мухаббати кан-

ча баланд бўлса, уларнинг ички маданияти, тафаккури ҳам шунча юксалиб бораверади.

Навқирон авлод ўртасида ушбу хайрли ташаббусни янада кенгроқ тарғиб этиш мақсадида О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан «Дурдона» лойиҳаси доирасида Тошкент вилоятининг энг олис ҳудудларидан бири бўлмиш Бекобод туманидаги Ачамайли қишлоғида жойлашган 48-умумтаълим мактабида «О'zLiDeP, ёшлар, китоб ва маънавият» номли акция ташкил этилди.

Тадбирда сўз олганлар интернет ва бошқа ахборот воситалари фаоллашганга қарамай, инсоннинг онгу тафаккурини чарчлаш, маънавий олами-ни бойитиш, эзгуликни тарғиб этишда китобнинг ўрни ва кадр-қиммати бари-

бир юксак эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Учрашувда мактаб ўқувчилари ўзлари севиб ўқиган асарлари, ёд олган шеърларидан парчалар ўқиб, тенгдошларига китоб билан ошно бўлишнинг завқи тўғрисида сўзлаб беришди.

Акция доирасида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан мазкур мактабга 130 дона жаҳон ва ўзбек адабиёти дурдоналари, дарслик ва қўлланмалар тақдим этилди.

«О'zLiDeP, ёшлар, китоб ва маънавият» номли акция республикаимиз бўйлаб давом этади. Партия фаолиятини кузатиб боринг, навбатдаги хайрли манзил Сизнинг маҳаллангиз ёки ўқув даргоҳингиз бўлиши мумкин.

О'zLiDeP матбуот хизмати



О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши аппарат раҳбари Шарап Отемисов ҳам ўзи таълим олган Қонлиқўл туманидаги 2-мактабга 100 дан зиёд бадий асарларни совға қилди. Тадбирда партия фаоллари, тадбиркорлар ва депутатлар ўқувчи ёшлар билан дилдан суҳбатлашиб, мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим-тарбияси йўлида олиб борилаётган имкониятлар хусусида сўзлаб беришди.

Қўзлари порлаб турган ёшлар ўзлари ёзган шеърлардан парчалар ўқиди. Тухфа қилинган китоблар албатта ўқилишига, асраб-авайлинишига, энг зўр совға сифатида қадрланишига ваъда беришди.

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси
Кенгаши матбуот хизмати

Депутат ва жамият

Фракция аъзолари одамлар орасида

Самарқанд шаҳридаги 59-кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатининг бир гуруҳ ўқитувчилари (1 гуруҳ ногиронлари) Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрда қабул қилинган «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг 154-бандини қайта кўриб чиқишни сўраб мурожаат қилишган эди. Бу масала парламент куйи палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Адҳам Шодмонов томонидан жойида ўрганилди.

Қарорнинг 154-бандида қайд этилишича, «Иш стажига пенсия тайинлангандан кейин эга бўлинган (олинган) иш ҳақи ҳисобга олинган ҳолда пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш амалга оширилмайди».

– Бизнинг мактаб-интернатда 20-25 йилдан буён ишлаётган ўқитувчилар бор. Улар ногиронлик нафақасидан пенсияга ўтиш вақтида кўзи ожиз 1 гуруҳ ногиронларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробарини кўшиб берилишига қизиқиб, олдиндан ҳужжат

топширишган. Ҳозирда 3 миллион сўм ойлик маошдан ташқари, 600 минг сўмгина пенсия олишяпти, – дейди Самарқанд шаҳридаги 59-кўзи ожиз болалар мактаб-интернати касаба уюшмаси раиси Зокир Маҳамматов. – Бугунги кунда ишга кирган ногирон ўқитувчилар пенсия учун ҳужжат топширса, ойлик маоши уч миллион атрофидалиги учун пенсияси 1,5 миллионгача ҳисобланади. Шунингдек, олиб, илгари нафақага чиққан ногиронларнинг пенсияларини қайта ҳисоб-китоб қилишни жорий этиш борасида кўмак берсангиз.

Депутатимиз мутахассисларнинг хулосаларини ўрганиб, Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклиф тайёрлашни маълум қилди.

– Биз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, кўмита раиси Адҳам Шодмоновга самимий миннатдорлик билдирамиз, – дейди интернат ўқитувчиси, 1 гуруҳ ногирони А. Ҳайдаров. – Зотан, у бошқа округдан сайланган бўлишига қарамасдан, интернатга келиб мурожаатимизни ўрганиб, бизга тушунтириш ишларини олиб борди.

Шунингдек, учрашувда мактаб-интернат ёнидан ўтган йўл чорраҳасига светофор ўрнатиш бўйича келиб тушган озғани мурожаат юзасидан Самарқанд шаҳар ҳокимлиги билан келишилган мазкур масала ҳам ижобий ҳал этиладиган бўлди.

Бахтигул ҚАРШИЕВА,
О'zLiDeP Самарқанд вилоят
Кенгаши матбуот котиби

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Клара Жумамуратова ўз сайлов округида жойлашган катор таълим муассасалари, тадбиркорлик субъектлари, маҳаллаларда сайловчилар билан юзма-юз мулоқот қилди.



Депутат дастлаб Урганч шаҳридаги 32-маҳсул мактаб-интернатда яратилган шароитлар билан яқиндан танишиш асносида ёшларни маданият, санъат, jisмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, муролага қизиқиш ва ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш юзасидан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашнинг долзарб аҳамияти, эртанги самараси хусусида сўз юритди.

Маълумотларга қараганда, республика миқёсида таълим муассасаларининг спорт анжомлари билан таъминланиши 56 фоизни ташкил қилса, Хоразм вилоятида бу кўрсаткич 14 фоиз атрофида эканлиги ачинарлидир. Шу боис Президентимизнинг 5 та муҳим ташаббуси билан бошланган ишлар тўғрисида 2021 йилгача таълим муассасаларининг спорт анжомлари, лаборатория хоналари, тўғарақлар, компьютер техникалари ва интернет тармоғи билан тўлиқ таъминланиши ҳақидаги маълумот, интернатда тарбияланаётган болаларга ажратилган 100 та спорт кийими, 100 га яқин

китоб учрашув иштирокчиларга мамнуният бағишлади.

Клара Жумамуратова қирқ йил муқаддам ўзи таълим олган кадрдон мактаб-интернатдаги 15-умумий ўрта таълим мактабига ҳам борди. Аҳил жамоа, кўзлари порлаб турган ёшлар билан дилдан суҳбатлашди. Депутатимиз фаол ўқувчиларга спорт кийимлари, мактаб кутубхонасига эса бадий-тарихий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар тўпламини совға қилди. Шу атрофдаги хонадонлар, хусусан, ногиронлиги бўлган ёшларга таъминланган оилалар фарзандларидан хабар олиш масалалари ҳам О'zLiDeP фракцияси аъзосининг эътиборидан четда қолмади. Шунингдек, депутатимиз Ҳазорасп туманида ташкил этилган «Эркин иқтисодий зона»да фаолият олиб бораётган ишбилармонлар режалари билан яқиндан танишди. Тадбиркорлик ривожини янги поғонага қўтариш билан боғлиқ таклифлар ва ҳудудда мавжуд муаммоларни ўрганди.

Шавкат САФАРБАЕВ,
О'zLiDeP Хоразм вилоят
Кенгаши раиси

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Абдухалиқ Жабборов Бекобод туманидаги ўзи ўқиган 6-умумтаълим мактабида таълим олаётган ўқувчиларга шахсий кутубхонасидаги 30 дан ортиқ китобни тақдим этди. Бу жараён партиянинг «Қадрдон мактабимга китоб совға қиламан» акцияси доирасида мактаб директори Анвар Бобоев билан биргаликда амалга оширилди.

Тадбир давомида депутат ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини кўпроқ тарғиб этиш ва бу бебаҳо бойликнинг кадр-қиммати хусусида ўз ҳаётини тажрибаларини сўзлаб берди.

Солижон ЗОИРОВ,
«XXI asr» мухбири

Тадбиркор йўлига қачонгача тўфоноқ бўламиз?

Одамлар билан бевосита мулоқот қилиш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар бартараф этилишига кўмаклашиш партияимиз фаолиятининг энг асосий йўналишларидан биридир. Зеро, сийёсий куч амалий ишлари билангина ўзига биддирилайётган ишонччи оқлаши мумкин. O'zLiDeP бу борадаги ишларга жуда қатъий эътибор қаратапти, омма билан мулоқот узлуксиз давом этяпти.

Шу йилнинг биринчи чораги – январь-март ойлари мобайнида халқ депутатлари туман, шаҳар ҳамда вилоят Кенгашларидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари партия худудий ташкилотлари ходимлари билан биргаликда аҳоли билан учрашувлар ўтказдилар. Ана шу жараёнда партияимиз вакиллари фуқаролар томонидан тилга олинган турли-туман 93 минг 190 та масалани кўриб чиқдилар. Уларнинг кўпчилиги жойида ҳал этилган эътиборга молик.

Лекин ечим топилиши жуда қийин кечаётган муаммолар ҳам талайгина. Хусусан, тадбиркорлар давлат-хусусий шерикчилиги асосида мактабгача таълим муассасалари қуриш учун имтиёзли тартибда кредитлар ажратилиши билан боғлиқ мушкулотларга мунтазам дуч келяптилар. Ваҳоланки, Президентимизнинг "Мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 5 апрелдаги қарорида белгилаб қўйилгандек, махсус ҳисоббарак маблағларидан имтиёзли кредитлар тижорат банклари томо-

нидан мактабгача таълим фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига 15 йил муддатта, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 1 фоизли ставка бўйича ажратиб берилди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, мазкур ҳужжатда мактабгача таълим тизимини, жумладан, мактабгача таълим хизматлари нодавлат секторини янада ривожлантириш, мактабгача таълим муассасалари тармогини кенгайтириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим соҳасидаги давлат-хусусий шерикчилиги учун қулай шарт-шароитлар вужудга келишига хизмат қиладиган бир қанча вазифалар баён қилинган. Яратилаётган катта имкониятлардан руҳланиб, ишга киришган кўпгина тадбиркорларнинг иштиёқини сўндирувчи ҳолатлар ҳам юз бераётгани кишини ташвишга солади. Яхшиси, ҳаётий мисолларга муурожаат қиламиз.

Дилдора Мадаминова Андижон шаҳридаги 30-умумтаълим мактабда бошланғич синф ўқувчиларига таълим беради. Болаларга меҳри

ўзгача. Нодавлат таълим муассасалари қуриш, фойдаланиш ишларига кенг йўл очилгач, турмуш ўртоғи, яқинлари билан маслаҳатлашиб, Андижон шаҳрининг "Маърифат" маҳалласидаги ўзларига қарашли бўш турган ер майдонида хусусий боғча қуришга аҳд қилди. Иш 2018 йилнинг февраль ойида бошланди.

Зарурий ҳужжатлар тайёрланишига роппа-роса бир ой вақт кетди. Маблағни-ку гапирмас бўлади: дейярли 9 миллион сўм миқдоридан пул ҳужжат ишлари учун сарфланди. Айтишга осон...

Энди мактабгача таълим муассасаси қурилиши учун кредит олиш масаласи қолди, холос. У қўлга текквч, ярим йилга қолмай бино қурилиб, фойдаланишга топширилади... Мўлжаллар мўлжаллигича қўлиб кетишини бўлажак тадбиркор қайдан билсин!

Тайёрланган бизнес лойиҳага кўра "Халқ банки"дан 1 миллиард 700 минг сўм кредит олиниши зарур эди. Бу ўтган йилнинг март ойидаги гап. Афсуски, ҳозирга қадар ҳам кредитдан дарак йўқ!

Банкда ишлаётган айрим ходимлар оддий ҳужжатларга ҳам бефарқ бўлганидан кейин яна нимани қуттиш мумкин? Демокримизки, кредит ажратиш пайсалга солинавергач, Д.Мадаминова ҳамда унинг турмуш ўртоғи умидларини ўзиб, банкдан ҳужжатларни қайтариб олмоқчи бў-

лишса... Нима бўпти денг, улар минг азоб билан тайёрлаган ҳужжатлар йўқолганмиш. Ана холос, шўям баҳонами энди? Банк раҳбариятига қатъий талаб қўйилгач, ниҳоят, ҳужжатлар топилди. Сармоя берилишини кутавериб чарчаган тадбиркорнинг ҳафсаласи пир бўлди. Қуруқ ваъдалар билан иши битмаслигини англаб, қўл силташди.

Мана, иш бошланганидан буён бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Юзруюгурларга сарфланган маблаг, қанча асабузарликлар, овозагарчиликлар, наватб куттишлар... Бунинг эвазига эса қуруқ ваъдалар ва беларео муносабат...

Ҳеч нарсага ишончи қолмаган аёл дастлаб муаммонинг газетада ёритилишини ҳам истамади: "Барибир фойдаси йўқ!"

Тошлоқ туманининг Ахшак қишлоғида яшовчи тадбиркор Абдунаби Сулаймоновнинг ҳам бошига шундай савдо тушган. У ҳам шу худуд аҳлининг талаб-эҳтиёжларини обдон ўрганиб, хусусий боғча қуришга аҳд қилганди. Бизнес-лойиҳага мувофиқ ТИФ "Миллий банк" бўлимидан йиллик 1 фоизли ставка билан 1 миллиард 300 миллион сўм кредит олиши керак эди. Аммо сармоя ажратилиши турли вазлар рўқач қилиниб, пайсалга солинаверди. Бир неча ойдан кейин маҳаллий ҳокимлик ва банк ва-

киллари тадбиркорга қурилиш бошланганидан сўнг кредит берилишини маълум қилишди. А.Сулаймонов ўз маблаг ҳисобидан ишоотни қисман тиклади. Шунда ҳам муроди ҳосил бўлмади. Энди мутасаддилар томонидан мантқиққа тўғри келмайдиган бошқача шартлар айтилди: ёнгина қарши кураш бошқармасининг ҳулосаси, боғчада тарбиячи бўлиб ишлаётганларнинг ҳужжатлари тақдим қилиниши лозиммиш. Тадбиркорнинг бино ҳали битмаганлиги тўғрисидаги эътирозлари эса инobatга олинмади. Хуллас, ишбилармон имтиёзли кредитдан умидини ўзди ва мактабгача таълим муассасаси қурилишини давом эттирмасликка, чала-ярим тикланган иморатдан эса бошқа мақсадларда фойдаланишга қарор қилди...

Тўғри, айримларга тижорат банклари томонидан сармоялар берилаяпти. Масалан, навоийлик Мухаррам Назарова "Туронбанк"нинг вилоят филиалидан 1 миллиард 400 миллион сўм сармоя олишга муваффақ бўлди. Лекин тадбиркорнинг йиллик 18 фоиз устам тўлаётгани қандай изоҳлаш мумкин? Унинг айтишича, маблагга фоят муҳтожлиги боисидан ана шундай оғир шартга кўнишга мажбур бўлган.

Юқорида баён қилинган ҳолатлар бўйича мисоллар ҳали қўлимизда жуда кўп.

Партияимиз вакиллари нодавлат

мактабгача таълим муассасаси қуриш учун имтиёзли кредит ололмаган 127 нафар тадбиркорни ҳисобга олишди!

Мазкур рақам масаланинг жиддийлигидан дарак берапти. Албатта, сафдошларимиз фақатгина муаммони қайд этиш билан чекланиб қолмаётганлари йўқ. Уларнинг ечимини топиш учун бор имконият ва ваколатларни ишга солишяпти. Тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари йўлланаяпти, мансабдор шахслар билан юзма-юз суҳбатлар ўтказилаяпти, шунингдек, бу каби оғриқли масалаларга республика миқёсидаги идоралар диққати жалб қилинаяпти. Тизимли саъй-ҳаракатлар эса ижобий натижалар бермасдан қолмайди.

Пировардида шуни қайд этишини истардикки, хусусий боғча қуриш учун имтиёзли тартибда кредит олинганлар ҳам талайгина. Бошқача айтганда, кимгадир сармоя берилаяпти, кимгадир эса йўқ. Мактабгача таълим вазирлиги, тижорат банклари имтиёзли кредит олишга талабгорларни қандай мезонлар асосида саралаяпти? Депутатларимиз, партияимиз фаоллари ана шу саволга ҳам жўялироқ жавоб топсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Юсуфжон ЮСУПОВ, O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг депутатлик бирлашмалари билан ишлаш бўлими етакчи консултанти

Ҳар бир оила – тадбиркор

Томорқа: қарасанг боғ, қарамасанг доғ

Президентимиз вилоятларга ташриф буорганида томорқалардан унумли фойдаланиш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, экспортбоп экинлар экишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини боғ-боғ таъкидлаяпти. Дарҳақиқат, дехқончилик ҳадисини олган, томорқа ишини тўғри йўлга қўйган оилалар бутунги кунда фаровон турмуш кечирашяпти.

Қашқадарёда ҳам томорқасидан унумли фойдаланаётган оилалар сони ортиб бормоқда. Томорқасини гуллаб қўйган хонадон соҳиблари яхшигина даромад топиб, оиласи фаровонлигини таъминлаш баробарида бозорларимизнинг тўкин-сочин бўлишига ҳисса қўшмоқда. Хусусан, банк кредитлари эвазига ташкил этилган иссиқхоналарнинг ишга туширилиши натижасида бозорларда цитрус мевалар ва सबзавот маҳсулотларининг нархи йил сайин арзонлашиб бормоқда.

Шавкат Зарипов Китоб туманидаги Халқлар дўстлиги маҳалласида яшайди. 12 сотих томорқаси бор. 7,5 сотих майдонга экинган лимон, 4,5 сотихда етиштирилаётган помидор ва бодрингдан йилига 50 миллион сўм соф фойда оляпти. Шу маҳаллада яшовчи Инобат Ёкубова ҳам икки йилдири, ер билан тиллашиб, рўзгорига барака киритяпти. Бир йилда 2 сотих жойини эгаллаган иссиқхонасида етиштирилган лимондан 7,5 миллион сўм соф фойда олди ва иссиқхонасини яна 2 сотихга кенгайтди. 4 сотих майдонда эса саримсоқ пивёз ва картошка, 2 сотихда турли қўқатлар парваришляпти. Хуллас, 10 сотихли томорқада бир қарич ҳам бўш жойни учратмайсиз.

Шаҳрисабз шаҳридаги Говишмон кўчасида яшовчи Фозил Бердиев эса 3 сотихли иссиқхонадаги 30 тул лимондан мўл ҳосил олиб, оиласи маъмуриятини таъминлайпти.

Шу ўринда қайд этиш зарурки, "O'zLiDeP бошланғич ташкилотлари ўз томорқасида тадбиркорлигини бошлаганларга кўмакдош" лойиҳаси тобора кенг миқёс касб этипти. Партия вилоят Кенгаши таркибидан 1 030 та бошланғич партия ташкилоти бўлиб, улар 5 150 та оилага бириктирилган. Ҳозирги кунга қадар қуйи бўгин етакчилари партия фаоллари ва депутатлар билан биргаликда 1,5 мингдан ортиқ хонадонга кириб, одамларнинг турмуш шароити, томорқадан фойдаланиш ҳолатини синчиқлаб ўргандилар.

– Илгари қишлоғимизда ерга муносабат ўзгача эди, – дейди Косон туманининг Дарча қишлоғида яшовчи Ҳамдам Хушатов. – Ҳамқишлоқларимиз оқар сув умуман йўқлиги боис фақат чорва моллари боқиш билан машғул эдилар. Томорқаларга лалмикор ғалла, беда, мош ва нўхат экилиб, йилига бир марта ҳосил олинарди. O'zLiDeP Косон туман Кенгаши ходимлари қишлоғимизга келиб, томорқадан унумли фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш, банклардан молиявий кўмак олиш, янги технологиялар келтиришда амалий ёрдам беришларини айтишди. Мен партия фаоллари кўмағида банкдан кредит олиб, 2 сотих

майдонда иссиқхона барпо этдим. Чорва молларимдан бир нечасини сотиб, ўз ҳисобимдан артезиан қудуғи қаздирдим. Келаси йили лимонларим ҳосилга киради. Аммо мен унинг пишини кутиб турганим йўқ. Орасига помидор ва бодринг экиб, яхшигина даромад қилдим ва ушбу маблаг ҳисобига иссиқхонамни яна 2 сотихга кенгайттирдим. Ишбилармон оилалар томорқадан олаётган даромади эвазига уй-жой қуриб, тўй қилиб, замонавий автомобиллар минаётганини кўрган ҳамқишлоқларимиз ернинг битмас-туганмас ҳазина эканлигини тушуниб етдилар. Ун нафар қишлоқдошимиз томчилатиб сўғоришга мўлжалланган гидропоник иссиқхона қуриш учун банкдан кредит олиш ҳаракатида юрибди.

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгаши ва бошланғич ташкилотлар томонидан давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этилиб, воҳада томорқа ҳўжалигини юртишнинг ўзига хос томонлари, сувли ва лалми майдонларда етиштиришга мўлжалланган экин турлари, табиий иссиқхоналар, сувсизликка чидамли мевали дарахтлар, лалмикор узумчиликни кўпайтириш борасида одамларга йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берилаяпти. Томорқасига ишлов беришга имкони йўқ оилаларга БПТ етакчилари ва фаоллари ёрдамга келишяпти. Чунончи, Қарши шаҳрининг Худойизот кўчаси 36-уйида яшовчи Муҳайё Шарипова хонадонидан 2 сотих ерга ишлов берилиб, экин экилди. Сафдошларимиз Чироқчи туманининг Наймансавой қишлоғида яшовчи Ойибди Жумағулова хонадонидан бўлганларида, томорқа ери ағдарилмасдан турганлигига гувоҳ бўлишди. Тезгина ерга ишлов берилиб, пивёз, сабзи ва гул уруғлари сепилди. Равот қишлоғида яшовчи Шоира Бердиқуллованинг оиласи 6 кишидан иборат. Аммо улар томорқага мўтлақо қарашмас экан. Партия фаоллари бу хонадонга уруғ ва бошқа ашёларни келтиришди, плёнка остига тарвуз ва бодринг экилишига ёрдам қилишди. Касби тумани Қоратепа қишлоғида яшовчи Олтибой Полвонов партияимиз кўмағи билан 6 сотихли томорқасида सबзавот ва кўкатлар етиштиришни бошлади, оила аъзоларини иш билан таъминлади. Шаҳрисабз шаҳридаги Яшил диёр маҳалласида яшовчи Дилшод Бобомуродовнинг 4 сотих томорқаси бўм-бўш ётган экан. "Оқсарой текстиль" хусусий корхонасидаги қуйи тузилма аъзолари ерларни ағдариб, помидор ва бодринг экиш учун тайёрлаб кетишди. Косон туманидаги Гулбоғ қишлоғида яшовчи Шавкат Рўзмонов бир пайтлар иссиқхона ташкил этган, аммо кейинчалик қаровсиз ҳолатга келиб қолган. БПТ фа-



оллари депутатлар ҳомийлигида иссиқхонани таъмирлаб беришди. Бодринг, помидор ва гул кўчатлари экилди. Лойқасойда яшовчи Раҳмон Нормуродовнинг ерларига экин экилиб, 5 сотих майдондаги бодомлар таги юмшатилди. Китоб туманининг Бирлик маҳалласида истиқомат қилувчи Гулзода Искандаровага туман Кенгашидаги БПТ ва депутат Фулом Узоқов кўмак келди. Айни пайтда оила соҳибасининг қўли-қўлига тегмайди. Иссиқхонасида ўндан ортиқ кўкатлар етиштириб, бозорга чикармоқда. Дилобар Шерназарова эса 8 миллион сўм эвазига иссиқхона қуриб, гул кўчатлари етиштиришни йўлга қўйди. Эндиликда яна 5 сотих майдонда иссиқхона ташкил этиб, лимон кўчатлари экишни мўлжаллаб турибди. Янги Миришкор маҳалласидаги яшовчи Дилшод Қораев ҳам 2 сотих иссиқхонадаги лимондан яхши ҳосил олмақда. Бу йил иссиқхонани яна 2 сотихга кенгайтириб, турли सबзавотлар етиштиряпти.

– Қуйи бўгин фаоллари ва депутатлар билан воҳамизнинг қишлоқ ва маҳаллаларида бўлганимизда оилада ишчи кучи етарли бўлса-да, томорқасини ёввойи ўтлар босиб ётган кўлаб хонадонлар борлигига гувоҳ бўлдик, – дейди O'zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгаши БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Алибек Раҳматов. – Ризқ-барақа томорқада эканлигини айримлар англаб етаётгани йўқ. Биз баъзи томорқаларга экин экиб бераймиз. Хонадон соҳиблари эса томошабин бўлиб туришибди. Ерининг умрини беҳуда ўтказаяётган бундай лоқайд кимсалардан томорқа ерлари қайтариб олиниб, сергайрат, омилкор кишиларга берилиши керак. Томорқа ағдарилган маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан "еримга экин экман" мазмунида тилхатлар олиниши бу йўналишда бажарилиши зарур ишлар ҳали кўпчилигини англайди. Лоқайд кимсаларни эзгу ташаббуслар сари йўллаш олишимиз зарур.

Лойиҳа доирасида мингдан ортиқ хонадон кўздан кечирилиб, 500 та оиланинг томорқасига экин экиб берилди, 260 тасига эса мевали дарахт кўчатлари ва уруғлар тўхта қилинди. 6 та оилага иссиқхона қуриш, 2 тасига чорвачиликни йўлга қўйиш, 7 тасига паррандачилик учун банклардан кредит олишга кўмаклашилди. Биз бу ишларимизни давом эттириб, вилоятдаги ҳар бир хонадонга кириб, томорқа ҳўжалигини ривожлантириш борасида аниқ ва мақсадли тақлифлар беришни режалаштирганмиш.

Сафдошимизнинг сўзларига шуни қўшимча қилиш керакки, мулоқотларда томорқа ерларини сўғориш учун сув етишмаётган туманлардаги хонадон соҳибларига лалмикор экинлар экиш маслаҳат берилмоқда. Масалан, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам лалмикор ерлардан бир марта мош, нўхат, зиғир, ғалла ҳосили олиш мумкин. Туманларда бўлиб ўтаётган тадбирларда табиий иссиқхоналар қуриш бўйича тавсиялар берилаяпти. Бундай иссиқхонани ташкил этиш учун ер икки метр чуқурликда қовналиб, усти қамиш ва икки қават плёнка билан ёпилади. Қиш ойларида ҳам бу иссиқхоналарда ҳарорат етарли бўлади. Табиий газ ва электр қуввати талаб этилмайди. Ҳозирда юзлаб хонадонларда ана шундай иссиқхоналар бор. Уларда нафақат цитрус мевалар, балки सबзавот экинлари, кўкатлар ва гуллар етиштириляпти.

Хулоса сифатида шуни айтишни истардикки, гарчи тилга олинган партиявий лойиҳа реал натижалар бераётган, одамларга муайян наф қелтиряётган бўлса-да, хотиржамликка берилиш учун асос йўқ. Амалий лойиҳани янада такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш лозимлигини кўрсатяпти. Президентимиз ўз чиқишларида бу йўналишда бажарилиши зарур ишлар ҳали жуда кўпчилигини, умуман олиб қаралганда, томорқалардан фойдаланиш бў-

гунги кун талабларига жавоб бермаслигини таъкидламоқда. Демак, лойиҳа доирасидаги ишлар бундан кейин ҳам партия диққат марказида бўлади.

Сайфулла ИКРОМОВ, "XXI asr" муҳбири

Даромад бир парча ердан, аммо...

Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида томорқасидан самарали фойдаланиб, фаровон турмуш кечираётган оилалар кўп. Сергайрат, уддабурон одамлар ҳовлисидан иссиқхона қуриб, қишин-ёзин бодринг, помидор ва кўкатлар етиштиряпти. Аммо томорқаси қаровсиз қолган хонадонлар ҳам бор. Улар ҳафсаласизлигини турли ваз-қорсонлар билан хаспўшлашга уринадилар. Фаолларимиз уйма-уй юрганида "Сув тақчил", "Бўш вақтим йўқ", "Иссиқхона қуришни шароитим кўтармайди" деган баҳоналар билан томорқада экин-тикин қилинмаётганига гувоҳ бўлишди. Рўзгор учун керакли маҳсулотларни эса бозордан сотиб олишяпти.

– Инсофни ҳамманинг ўзига берсин экан. Экадиган одам шундоқ ҳам ҳаракат қилади. Экмайдиганига эса минг уринганингиз билан фойдаси йўқ. Партияимиз фаоллари томонидан тажрибали томорқачилар хонадонда ташкил этилаётган мулоқотлар натижасида кўпчилик ўзи учун тегишли хулоса чиқармоқда, – дейди O'zLiDeP Сурхондарё вилоят Кенгаши бўлим мудири Матлуба Жўраева. – Партиявий тарғиботдан асосий мақсад, аҳолини, айниқса, ишсиз ёшлар, хотин-қизлар бандлигини таъминлашдир.

– Гап даромадда ҳам эмас. Асосий мақсад фарзандларимизда ердан оқилона фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, дехқончиликка бўлган қизиқишларини оширишдан иборат, – дейди Ангор туманидаги "Улуғбек" маҳалласида яшовчи Дилбар Нурбоева. – Шу боис тижорат банкдан 27 миллион сўмлик кредит олиб, 4 сотих майдонда иссиқхона ташкил этдик. Ҳозир лимон кўчатларини парвариш қилляпмиз. Бир йиллик даромадимиздан маблагини қолғайимиз деган умиддамиз.

Музработ туманида ҳам тажрибали томорқачилар кўпчилигини ташкил этади. Қўшини қўшидан ибрат олади, деганларидек, асосий даромадини томорқадан топадиганлар сафи кенгайиб бормоқда.

– Бир ойдики, маҳаллий кенгаш депутатлари билан бирга уйма-уй, хонадонма-хонадон юриб, мулоқот қилиш асосида уларнинг тадбиркорликка қизиқишини ўрганишди, – дейди O'zLiDeP Музработ туман Кенгаши аппарат раҳбари Ш. Абилов. – Суҳбат ва мулоқотлар чоғида фуқароларга ердан самарали фойдаланиш, иссиқхона ташкил этиш бўйича керакли тавсиялар, маслаҳатлар бераймиз.

O'zLiDeP матбуот хизмати

Сурхонда янграган айтимлар

дунё миқёсида акс садо бераётир

Бошланиши 1-саҳифада.

Фестиваль платформаси билан танишув

Дастлаб қоидага мувофиқ, қолаверса, аккредитация бейжикларини тезроқ қўлга кириштиришда ОАВ ходимлари учун махсус ташкил этилган матбуот марказига йўл олди. Сурхонлик таниқли адиб Собир Термизий номидаги виллоят ахборот-кутубхона маркази боносининг биринчи қавати журналистларга мослаб атай жиҳозланган. Тезкор интернет, компьютер жамланмалари, кофе-брейк, навбатчи тиббий ходимлар хизматингизга шай. Очиғи, анжуман доирасидаги маълумот алмашинуви борасида қийинчиликларга дуч келмадик. Марказ 24 соат мобайнида узлуксиз ишлаб турди. Боз устига, матбуот маркази ташаббуси билан телеграм ижтимоий тармоғида журналистлар учун Vaxshi_Surxondaryo гуруҳи очилди. Виртуал контентда телевидение, радио, газета ва интернет нашрларда эълон қилинган материаллар ҳаволаси узлуксиз улашиб турилди. Натижада мазмун бир хиллигининг олди олинди. Ҳамкасблар тааллуқлиликдан келиб чиқиб, ранг-баранг чиқишлар қилишга эришди. Шунданми ё бошқа сабабми, билмадик, фестивал учун атай яратилган bakhshi.uz веб-сайтида янгиликлар даврийлиги тўхтаб қолди. Бошқача айтсак, сайтда охири хабар 4 апрель куни жойлаштирилди ва бошқа янгиланмади.

Фестивалнинг асосий тадбирлари нимадан иборат эди?

Биз оддий томошабин сифатида буни асосан уч манзарада кўрдик.

Биринчиси, Термиз шаҳридаги Санъат саройи худудидаги боғда этнографик кўргазмалар, миллий чолғулар ва либослар, хунармандлар меҳнат маҳсули, тадбиркор ва ишбилармонлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси ҳамда тасвирий ва амалий санъат асарлари ярмаркаси. Бадиий, ижодий жамоаларнинг концерт дастурлари...

Иккинчиси, "Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни" мавзусидаги илмий-назарий анжуман.

Ва ниҳоят, учинчиси Санъат саройи майдонида халқаро фестивалнинг тантанали очилиш маросими ва иштирокчилар ҳамда меҳмонлар

учун махсус концерт дастури. Худди шу аренада фестивалнинг расмий ёпилиш маросими ва турли номинациялар бўйича голибларни тақдирлаш.

...Достонча сўйлаб фестивал кўрими Алломишга менгасак, ташкил этилган кўргазма чиройда Барчин бўлди. Биз шу пайтга қадар юртимизда ўтган бу каби кўлаб кўргазмаларда қатнашганмиз. Бошқаларини камситмаган ҳолда, икки қўлимизни кўксимизга қўйиб дейимизки, Термиздагиси чинакам ўзгача ўтди. Яъники, юртимизда халқаро тилдаги ярмаркалар кўпайгани сайин қатнашчиларнинг маҳорати ошиб, илҳоми ҳай ўраётгандек гўё. Сер солганингиз сари кўрагингиз ошадди, инсон нақадар қошиф эканига бот-бот амин бўласиз. Бир тарафда қадим миллий чолғулар — дўмбира, чанқовуз, сибизга, бўламон, сопол най, қўбиз, қўшнай... Яна бир тарафда анъаналаримиз нақш солган либослар, бош кийимлари, қадимий обида, қалъа ва миноралар макетлари, кийим-кечак, қўл ишланмалари, тақинчоқлар, зебардонлар, худудларга хос ўтовлар, бахшичиликка оид адабиётлар, хуллас, минг йилликдан то бугунги кунимизгача бўлган катта бир ансамбль қаршида сезасиз ўзингизни.

Олимлар ила боғлиқ омадсизлик...

Кўпчиликнинг яхши хабари бор, ижтимоий тармоқлар ҳамда интернет нашрида "Президент табригида эслаган олимлар байрамга киритилмади" мазмунидagi хабар ва изоҳлар урчиди. Келинг, воқеаларнинг бевосита иштирокчиси сифатида аслида нима бўлганига эътиборингизни қаратсак.

Тўғриси, айнан конференция иштирокчилари ташкилотчилиги билан боғлиқ пала-партишлик сал аввалроқ бошланган эди. Яъни, 5 апрель куни Сурхондарё виллоят ҳокимлиги матбуот хизматининг телеграмдаги канали "ТерДУ халқаро бахшичилик конференциясини ўтказишга шай" мавзусида материал эълон қилди. Таниқлар эканмиз, университет жамоаси конференцияга сидқидилдан тайёргарлик кўришганининг гувоҳи бўлдик.

Аммо бироз ўтиб, бизга маълум бўлмаган сабабларга кўра, конференция "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази виллоят бошқармаси жойлашган бинога кўчирилгани тўғрисида хабар қилинди. Натижада "тор жойда томоша"

ҳақидаги мақолни эсга олишга мажбур бўлдик. Таажубланар эканмиз, айни ҳолатни тигиз график ва вазиятнинг ҳукмига йўйишдан бошқа иложимиз қолмади.

Фольклоршунос даргаларимизнинг фестивал очилиш маросимига киролмай қолгани эса... Очиғи, ҳатто биз ҳам асосий тадбирга кириш ҳуқуқини берадиган махсус голограммалар билан тадбир бошланишидан сал бурун олдиқ... Фикримизча, илм фидойиларининг тадбирда қатнашолмай қолгани атайин қилинмади. Не дейсизки, бахшиёна қўшиқлари билан элимиз меҳрини қозонган машхур халқ артисти ҳам рухсатномадан қурқ қолибди. Санъаткор азбаройи қизиқуви тўғрисида хорижлик меҳмонларга таржимон ва йўлбошловчилик қилаётган талабанинг рухсатномасидан фойдаланишга мажбур бўлгани қулғили эмасми? Аввалги хатбошида қайд қилганимиздай, бу кўламдаги халқаро фестивал Термизда илк мартаба ўтказилаётгани боис тажрибасизлик панд берди, чоғи. Мухими, хатолардан вақтида хулоса чиқариш зарурлигини мутасаддилар унутишмас, бас.

Фестиваль билан боғлиқ мақор кўнгилсизликни атайин тилга олаётганимизнинг сабаби шундаки, чин илм қилган зотларнинг бир қаноти камтарлик бўлса, иккинчиси бағрикенгликдир. Шу тўғрисида ҳам уларни алоҳида эътиборга лойиқ деб ҳисоблаймиз...

Асосий саҳна ва режиссура ҳақида

Турфа хил митти гуллар чиройли дизайн тарҳида экилиб, обдон парваришланган. Бариси табиий. Бу манзара, айниқса, юқоридан қарасангиз, кайфиятингизни чоғ қилади. Тарихийликни жонлантириш бўйича саҳна расмолари анчагина тер тўкишганини олқишлас керак. Шунингдек, қурол-аслаҳалар, ёй, суворий совути, жанговар довул, либослар бичими ва композицияси профессионаллар қўлида яратилгани шундоққина билиниб турибди. Очилиш маросимининг бадиий қисмини кўрар эканмиз, сценарий борасида креативлик кўзга ташланади. Биз бу намоийшни бош режиссёр томонидан халқ оғзаки ижодининг барча йўналишларини илҳом борица қамраб олишга уриниш сифатида ижобий баҳоладик. Агар ўқ мазмунга нигоҳ берсак, муштира она сиймоси балқиб чиқади. Чунончи, "Алломиш" достонидаги онаизорнинг "Исинг болама ўхшайди" ёхуд "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" достонидagi онаизорнинг "Болама ўхшайди овозинг санинг"



илтижолари сценарий учун махсус танлаб олинган. Ижодий боғламларнинг узилиб қолмагани, бир-бирини тўлдиргани таҳсинга сазовор. Яқун ҳам, албатта, шунга яраша бўлди. Тоғ-тошлар қўлаб, ортидан қошона-саройлар пайдо бўлганида катта рамзий маъно уқиш мумкин.

Халқаро бахшичилик санъати фестивали ҳақида билдирган фикр-мулоҳазаларимиз тўқима эмас, кўрган-кечирганларимиз асосида

бор борица ёзилди. Уйлаймизки, биз эътибор қаратган жиҳатлар, хусусан, ташкилотчилик борасида тилга олинган айрим камчиликлар келгусида ўтадиган бу туркумдаги халқаро анжуманларда бошқа учрамайди. Эътироф этилган муваффақиятлар эса янада юксалиб боради.

Очунга шиддат билан очилаётган жонажон диёримизга эса яна бир қўлтуғ шодиёна муборак бўлсин!

Аспиддин АЛИМАРДОНОВ,
"XXI asr" махсус муҳбири

ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА:

10 апрель куни Термиз шаҳрининг Санъат саройи худудидаги замонавий ёзги саҳнада халқаро кўрик-танлов Ғолиб ва совриндорлари тақдирланди. Бош соврин — Гран-при ҳамда 7 минг АҚШ доллари миқдоридagi пул мукофотини Қозоғистон вакили Улжан Байбусинова қўлга киритди.

Биринчи ўрин ва ҳар бирга 5 минг АҚШ долларидан пул мукофоти Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар Поёнов ҳамда туркменистонлик Кервен Ёвбосарова берилди.

Иккинчи ўринга — жами 7 минг АҚШ доллари миқдоридagi пул мукофотига россиялик Байбулдин Илгам (3,5 минг АҚШ доллар) ҳамда озарбойжонлик Ашиқ Али ва Ашиқ Шамира (3,5 минг АҚШ доллар) сазовор бўлди.

Фестивалнинг учинчи даражали АҚШ дипломи, статуетка ва ҳар бирига 2 минг 500 АҚШ долларидан пул мукофоти қорақалпоғистонлик Гулнара Аламберганова ва жанубий корейлик Ким Хуо Сунга топширилди.



Барча иш ўринларини аттестациядан ўтказувчи ташкилотлар диққатига!

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган (имзоланган) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли қарори билан тасдиқланган "Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом"га асосан "Шўртан газ кимё мажмуаси" МЧЖ таркибидаги Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш учун ўз хизматларингиз бўйича тижорат таклифларингизни жамиятнинг otz@sgcc.uz электрон почта манзилига юборишингизни, тижорат таклифига қўшимча равишда фаолиятни амалга оширишга рухсат берилган лицензия, корхона гувоҳномасини тақдим этишингизни сўрайди.

Маълумот учун телефон: 75-552-42-42

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI —
O'ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

XAKI
IQTIMOYIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Алишер СУЛТОНОВ
Мавлуда ХУҶАЕВА
Сирожиддин САЙИДИ

Аҳам ШОДМОНОВ
Тулкин ЭШНАЗАРОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ
Аслиддин АЛИМАРДОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73^б-уй.

электрон почта:
xxi_asr@umail.uz

Телефонлар:
қабулхона — 71 215-63-80
(тел./факс).
Котибхона — 71 281-40-17
Обуна ва реклама
бўлими —
71 215-60-45, 71 255-68-50

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда
0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми — 2 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г — 458 Тираж: 4647
Баҳоси келишилган нарҳда.
ЎЗА якуни — 00:00
Топширилди — 02:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X

91772181497001

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
12#456

Навбатчи муҳаррирлар:
Фаруз ЖАББОРОВ, Элек ШОЙИМҚУЛОВ.